“3-30-300” СТАНДАРТИ ВА “YASHIL AI”:

Экологияда янги давр бошланмоқда

ЖАМИЯТ

№ 38-39
(1005)
2026 йил
30 сентябрь,
Чоршанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҚАДРИ – ЯГОНА МАҚСАД

ЖАМИЯТ
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)



“Бизга қарор қабул қиладиган эмас, уни амалга оширадиган БМТ керак” — БМТ Бош Ассамблеясида ўзига хос ўринга эга бўлаётган Ўзбекистон.

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҚАДРИ — ЯГОНА МАҚСАД



БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессияси 2026 йил 8 сентябрдан 29 сентябрга қадар Нью-Йорк шаҳридаги БМТ штаб-квартирасида бўлиб ўтди. Бу йилги сессия «Ишончни тиклаш, трансформацияни бошқариш: барча учун натижа берадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» мавзуси остида ўтди.

22 сентябр куни Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеяси 81-сессиясининг юқори даражадаги умумий мунозаралари бошланди. Бу дунё етакчилари БМТ минбаридан ўз давлатларининг устувор йўналишларини баён қиладиган асосий тадбирдир.

Президент администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева Бирлашган миллатлар ташкилоти бош ассамблеясининг 81-сессияси доирасида ташкилот бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашиб, Ўзбекистон ва БМТ биргаликда ривожлантириб келаётган барча муҳим ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилди.

С. Мирзиёева Халқаро муносабатлар тизими учун мураккаб бўлган ҳозирги даврда глобал миқёсда етакчилик салоҳиятини намоён этаётгани ҳамда хавфсизликнинг барча асосий жабҳаларида мамлакатимизни қўллаб-қувватлаётгани учун жаноб Гутерришга самимий миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, Саида Мирзиёева АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFS) бош ижрочи директори Бен Блек билан учрашди. Мулоқот давомида транспорт ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилиши бошланган йирик қўшма лойиҳалар муҳокама қилинган.

Ўзбекистон DFS билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам кенгайтириб боришга тайёр, деди Мирзиёева.

DFC ташкилоти — АҚШ ҳукуматининг халқаро тараққиётни молиялаштириш институти бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда хусусий сектор лойиҳаларини кредитлар, инвестициялар, кафолатлар ва бошқа молиявий воситалар орқали қўллаб-қувватлайди. Корпорация инфратузилма, энергетика, соғлиқни сақлаш, технология ва бошқа стратегик соҳалардаги лойиҳаларни молиялаштиради.

Саида Мирзиёева Нью-Йоркда Google вице-президенти Каран Бҳатия билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистонда YouTube монетизациясини йўлга қўйиш масаласини муҳокама қилди. У мамлакатда бугунги кунда рақамли тўловлар ва шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилганини таъкидлади.

БМТ Бош Ассамблеясининг йиллик сессиясида Ўзбекистон номидан Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева БМТ Бош ассамблеясининг 81-сессиясида нутқ сўзлаб, Ўзбекистоннинг тинчлик ва халқаро ҳуқуқ бўйича позициясини баён қилди. У мамлакатнинг БМТ Хавфсизлик кенгашига номзоди,

Қўшилмаслик ҳаракатига раислиги, Афғонистон ва глобал муаммолар бўйича ташаббусларини маълум қилди. Марказий Осиёдаги ҳамкорлик, Афғонистон, Оролбўйи, сунъий интеллект, инсон ҳуқуқлари, болалар фаровонлиги ва Ўзбекистондаги ислоҳотлар ҳақида сўз юритди. Саида Мирзиёева нутқини бугунги халқаро вазиятга баҳо беришдан бошлади. Унинг таъкидлашича, дунёда урушлар давом этаётгани, геосиёсий зиддиятлар кучаяётгани, ишонч муҳити сусаяётгани ва тенгсизликнинг ортиши инсоният олдига мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бундай шароитда Ўзбекистон “очиқлик”, “қўшнилар билан яхши муносабатлар” ва “дунё билан мулоқот” йўлини танлаган. “Очиқлик заифлик эмас. Аксинча, тинчлик учун ҳаракат қилиш, келажак олдида масъулиятни зиммасига олишдир”, — деди Саида Мирзиёева.

Унинг қайд этишича, Ўзбекистон тинчлик, тараққиёт ва инсон қадрини бир-биридан ажратилган уч мақсад эмас, балки ягона вазифа сифатида кўради. Нутқда БМТнинг бугунги халқаро тизимдаги ўрни ва уни ислоҳ қилиш масаласига ҳам катта эътибор қаратилди. Саида Мирзиёева энг қудратли давлатларнинг ўзи ҳам глобал муаммоларни якка ҳолда ҳал қила олмаслигини, таҳдидларнинг давлат чегараларида тўхтаб қолмаслигини таъкидлади. “Бизга фақат қарор қабул қиладиган эмас, қарорларни амалга оширишга қодир БМТ керак. Бизга ҳар бир давлатнинг овози эшитиладиган БМТ керак”, — деди Саида Мирзиёева.

Ўзбекистон БМТ бош котибининг ташкилотни замон талабларига мослаштиришга қаратилган “БМТ-80” ташаббуси доирасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши билдирилди. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгаши таркибини замонавий воқеликдан келиб чиқиб кенгайтириш тарафдори экани маълум қилинди. Саида Мирзиёева келаси йили Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига раисликни қабул қилишини айтди. У бу вазифани қарама-қаршиликлар кучайган бир пайтда мулоқот учун янги майдон яратиш имконияти сифатида баҳолади. “Бу масъулиятни биз қарама-қаршиликлар кучайган бир пайтда мулоқот учун янги майдон яратиш имконияти деб биламиз”, — деди Саида Мирзиёева. Шунингдек, Ўзбекистон 2035–2036 йиллар учун БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий бўлмаган аъзолигига ўз номзодини илгари сургани маълум қилинди. Саида Мирзиёева БМТга аъзо давлатлардан ушбу номзодни қўллаб-қувватлашни сўради. Халқаро ҳуқуқ масаласида эса Ўзбекистоннинг позицияси қатъий экани таъкидланди. “Биз учун халқаро ҳуқуқ манфаатга қараб ўзгарадиган восита эмас. У барча давлатлар учун умумий қоида. Қоида умумий бўлмаса, адолат ҳам умумий бўлмайди”, — деди Саида Мирзиёева. Нутқнинг бир қисмини Марказий Осиёдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларга бағишланди.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси натижасида минтақадаги муҳит ўзгарган. “Биз бир-биримизга рақиб эмас, шерик сифатида қарай бошладик”, — деди Саида Мирзиёева. Афғонистон масаласида Ўзбекистоннинг ёндашуви ҳам нутқда алоҳида қайд этилди. Афғонистонга фақат хавф манбаи сифатида қараш муаммони ҳал қилмаслигини, афғон халқини муаммолари билан ёлғизқолдириш ҳам ечим эмаслигини айтди. “Уларга тинч ҳаётга эришиш учун умид, ишонч берилиши керак”, — деди Президент Администрацияси раҳбари.

Саида Мирзиёева болалар масаласини Ўзбекистон ислоҳотларининг асосий йўналишларидан бири сифатида кўрсатди. “Бола — давлатнинг энг катта масъулияти. Бола соғлом туғилмаса, сифатли таълим ололмаса, биз бир инсоннинг эмас, бутун жамиятнинг келажаги хавф остига қўйган бўламиз”, — деди. Унинг таъкидлашича, бола соғлом туғилмаса ёки сифатли таълим ололмаса, бу фақат бир инсоннинг эмас, балки бутун жамият келажагининг хавф остида қолишига олиб келади. БМТ Аҳолишунослик жамғармаси билан демографик барқарорлик ва инсон капитали масалаларига бағишланган юқори даражадаги мулоқот ўтказилиши, октябрь ойида эса Самарқандда халқаро ҳамжамиятни болалар фаровонлиги ва саломатлиги масаласи атрофида бирлаштириш режалаштирилгани ҳам айтилди. Оролбўйи экологик ечимлар синовдан ўтадиган ҳудуд сифатида кўрилмоқда Нутқнинг яна бир қисми Орол денгизи фожиаси ва экологик муаммоларга бағишланди. Саида Мирзиёева Оролнинг қуришини табиий офат билан изоҳлаб бўлмаслигини, бунинг ортида ўнлаб йиллар давомида қабул қилинган нотўғри қарорлар ва табиатга адолатсиз муносабат оқибатлари турганини таъкидлади. Ўзбекистонда қуриган денгиз тубида яшил ҳудудлар барпо этилаётгани, сув тежовчи технологиялар кенг жорий қилинаётгани қайд этилди. Шунингдек, 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш мақсади борлиги маълум қилинди.”Биз Оролбўйи фақат экологик фожиа рамзи бўлиб қолишини истамаймиз. У экологик ечимлар синовдан ўтадиган ҳудудга айланиши керак”, — деди.

Саида Мирзиёева Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси 2027–2036 йилларни ўрмонзорлаштириш ва ўрмонларни қайта тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги деб эълон қилганини эслатиб, энди ушбу қарорни амалий ишлар билан тўлдириш вақти келганини айтди. Нутқда замонавий технологиялар, хусусан, сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида ўрин берди. Саида Мирзиёева бугун инсоният яна бир “улкан инқилобий ўзгариш” қаршисида турганини айтиб, сунъий интеллект билан боғлиқ асосий саволни ўртага ташлади. “Технология инсонга хизмат қиладими ёки инсон технологияга мослашишга мажбур бўладими? Бироқ, тамойил аниқ бўлиши керак. Технологик тараққиётнинг марказида инсон ва унинг тақдири туриши шарт”, – деди. Нутқда сунъий интеллект ва рақамли трансформация инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик, тенг имконият ва жавобгарлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиши кераклиги қайд этилди. “Технологик тараққиёт инсонни қарам қилишга эмас, аксинча, ҳаётини яхшилашга хизмат қилиши керак”, — деди нотиқ. Ўзбекистон бу борада халқаро мулоқотни кучайтириш тарафдори экани билдирилди. Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги масаласига тўхталар экан, Саида Мирзиёева Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларни санаб ўтди. “Ҳокимият қонундан устун эмас. Судга мурожаат қилган ҳар бир инсон, кимлигидан қатъий назар, адолат қарор топишига ишониши шарт”, — деди Саида Мирзиёева. У судга мурожаат қилган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, адолат қарор топишига ишониши кераклигини таъкидлади. Шунингдек, Тошкент халқаро молия марказида инглиз ҳуқуқи тамойилларига асосланган алоҳида халқаро тижорат суди ташкил этилаётгани маълум қилинди. Нутқда болалар меҳнати ва тизимли мажбурий меҳнатга барҳам берилгани, оиладаги зўравонлик учун жавобгарлик кучайтирилгани ҳам қайд этилди. Аёллар ҳуқуқи ва имкониятларини кенгайтириш масаласида эса тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашнинг алоҳида тизими яратилгани айтилди. Парламент аъзоларининг 39 фоизи аёллар ташкил этилиши маълум қилинди.

Саида Мирзиёева Тошкентдаги Ислом цивилизацияси марказига ҳам тўхталди. У марказ президент Шавкат Мирзиёев ғояси ва ташаббуси билан барпо этилганини, уни фақат ўтмишни намойиш қиладиган маскан эмас, балки илм, тафаккур ва маърифат макони сифатида кўришларини билдирди.

Нутқда ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллект орқали нафрат, адоват ва стереотиплар тез тарқалаётган бир шароитда маданиятлар ва динлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессиясида Ўзбекистон томонидан пухта ўйланган, ишончли, мукаммал ва бугунги кунда бутун дунё давлатлари учун зарур ва глобол масалаларни илгари сурилиши яна бир бор Янги Ўзбекистон дунё мамлакатлари томонидан ўзига хос ўринга эга бўлаётган давлат сифатида тан олинишига асло шубҳа йўқ.

Шоназар МАТЯҚУБОВ,
Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

ЖАМИЯТ

2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)

ОЛИЙ МИНБАРДАГИ ЗАЛВОРЛИ ОВОЗ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – дунё сиёсатининг юраги. Бу ерга ҳар куни ўнлаб давлатлар вакиллари чиқади, нутқлар сўзланади, баёнотлар берилади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам хотирада қолавермайди. Баъзи нутқлар шунчаки протокол бўлиб тарихга киради, баъзилари эса жарангдорлиги, самимияти ва энг муҳими – ортида турган залвори билан замон руҳига мувофиқланади.



Саида Мирзиёеванинг БМТ минбаридаги нутқи ана шундай хотиржам, аммо тош босадиган, минбарнинг барча баландлигини ҳис қилдирадиган чиқиш бўлди.

Дунё минбаридан туриб гапириш – фақат баёнот бериш дегани эмас. Бу – халқнинг овоз-у нафасини, миллий ўзлик ва иродани жаҳон аҳлига етказишдир. Бу нутқда ортиқча баландпарвозлик, пафосли жумлалар ёки қуруқ рақамлар қалашиб кетгани йўқ. Аксинча, ҳар бир фикр пухта ўйланган, оғир-вазмин ва тингловчини мушоҳадага ундайдиган тилда баён этилди.

Жаҳон бугун беқарор, турли низолар ва ижтимоий эврилишлар ичида тебранаётган бир пайтда, БМТ аъзоларига шунчаки муаммоларни санаш эмас, балки ечим ва эртанги кунга бўлган қатъий ишонч керак. Нутқнинг асосий руҳи айнан шу маррага қаратилгани билан ажралиб турди.

Нутқнинг марказида инсон омили, айниқса, хотин-қизлар, ёшлар ва таълим масаласи тургани бежиз эмас. Бугун Ўзбекистон баланд овозда ташаббус илгари сураётган минтақавий мулоқот, ижтимоий ислоҳотлар ва инсон қадрини устувор қўйиш тамойиллари БМТ залида яна бир бор янгради.

Бу шунчаки локал (маҳаллий) муаммолар таҳлили эмас эди. Бу – Марказий Осиёнинг янгича қиёфасини, унинг дунё ҳамжамияти билан тенг ва очиқ мулоқотга тайёрлигини кўрсатувчи босиқ, аммо қатъий даъват эди.

Нутқнинг энг эътиборли жиҳати – унинг тақдим этилиш услубида эди. Сиёсий минбарларда баъзан ҳаддан ташқари ҳис-ҳаяжонга берилиш ёки ҳаддан ташқари расмиятчиликка берилиб кетиш кузатилади. Бу сафар эса икки мезон ўртасидаги мукаммал мувозанат кўринди: хотиржам оҳангдаги аниқ ишонч.

Залги йиғилган турли давлатлар вакиллари, тажрибли дипломатлар учун бу шунчаки навбатдаги чиқиш эмас, балки ўз йўлини аниқ белгилаб олган, келажакка очиқ кўз билан қарайлаётган давлатнинг вакили томонидан айтилган масъулиятли сўз сифатида қабул қилинди.

БМТ минбари – тарихнинг чиғириғи. У ерда айтилган ҳар бир сўз вақт синовидан ўтади. Саида Мирзиёеванинг нутқи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позицияси фақат сиёсий баёнотлардан эмас, балки чуқур ижтимоий ва инсонпарварлик мазмунидан иборат эканини яна бир бор намоён этди.

Бу – янгиланаётган жамиятнинг, ўз кучига ва эртанги кунига ишонган халқнинг олий минбардан янграган залворли ва муносиб акс-садосидир.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ



«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА КУЗГИ ЭКИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Бухоро Вилоят Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси масъул ходимлари ҳамда туман ва шаҳар экология бўлимлари бошлиқлари иштирокида А-380 «Ғузор – Бухоро – Нукус–Бейнеу» автомобиль йўлининг Бухоро вилояти ҳудудидан ўтувчи 150 – 210-километрлик қисмида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ўрганилди.

Ўрганиш давомида Қоровулбозор, Бухоро, Когон туманлари ҳамда Когон шаҳри ҳудудларида кўчат экиладиган ерларни тайёрлаш, суғориш имкониятларини яратиш, ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос дарахт ва бута турларини танлаш, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга тайёргарлик ишлари кўздан кечирилди.

Масъулларга ерларни сифатли тайёрлаш, кўчатларнинг тутиб кетиши учун зарур шароитларни яратиш ҳамда кузги экиш мавсумини белгиланган талаблар асосида уюшқоқлик билан ташкил этиш бўйича тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

Асосий мақсад — А-380 автомобиль йўли бўйларида яшил ҳудудларни кенгайтириш, экологик муҳитни яхшилаш ва Бухоро вилоятини янада кўкаламзор ҳудудга айлантиришдан иборат.

Шавкат КАРОМОВ,
"Жамият" мухбири

ЖАМИЯТ
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)



“3-30-300” СТАНДАРТИ ВА “YASHIL AI”

Эндиликда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида янги тизим қўлланилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 23-сентабрдаги 206-сонли Фармонида белгиланди.

Фармонга кўра, маҳаллаларда яшиллик даражасини оширишда ҳар бир одам учун 3 та дарахт, 30 фоиз дарахт сояси, 300 метр атрофида яшил ҳудуд бўлишини таъминлашни назарда тутувчи “3-30-300” халқаро стандарти жорий қилинади. Шунингдек, 2030-йилга қадар яшил боғлар ва яшил жамоат парклари сонини 1023 тага етказиш, 2026-йилда “Яшил макон” доирасида куз мавсумида 257 та яшил боғ ва яшил жамоат парклари яратиш, 2030-йилга қадар ҳар бир туман ва шаҳарда камида 5 тадан умумий узунлиги 10 кмдан кам бўлмаган сояли сайр кўчалари яратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 2026-йил 1-октябрдан бошлаб республикада тозалик ва озодалик долзарб икки ойлиги ўтказилади. Бунда 1-октябрдан яшил ҳудудлар жойлашуви аниқланади, ерлар тайёрланади, кўчат ва буталар захираси яратилади. 2026 йил 1 ноябрдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмда, 2026 йил 5-ноябрдан Бухоро ва Навоий вилоятларида, 2026 йил 10 ноябрдан Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, 2026 йил 20 ноябрдан эса Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кўчат ва буталар экиш мавсуми бошланади.

Қолаверса, Фармонга кўра, 2027 йил 1 январдан “Яшил маҳалла” лойиҳаси доирасида “Маҳаллани яшиллаштириш” пакети жорий қилинади. Лойиҳа доирасида маҳаллаларга ўрмончи-мураббий ходим бириктирилади. “Маҳалла етти лиги” аъзолари ҳар экиш мавсуми олдидан ўқитилади. Фуқароларга экиш, суғориш, мулчалаш, компост тайёрлаш, дарахтни парваришлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш борасида маълумот беради.

Шу билан бирга, 2026 йил куз мавсумидан бошлаб ер майдони чекланган маҳаллаларда, кўп квартирали уйлар оралиғида, мактаб ва боғчалар ҳовлиларида маҳалла микроўрмонлари ташкил этилади. Бунда 200–1000 метр квадрат майдонда ҳар бир метр квадратга камида 2 та дарахт ва бута кўчатини зич экиш усули (қатламлаб) қўлланади. Ер ажратиш имконияти бўлмаган ёки бетон ва асфалт қопламали ҳудудларда жамоатчилик кичик боғлари ташкил этилади.

Ботаника ва дендрология боғлари, ўрмон хўжаликлари, йирик яшил ҳудудлар ва ободонлаштириш бошқармалари ҳудудларида компостлаш ва мулчалаш тизими йўлга қўйилади. Бунда санитария ва гидродеологик шароити мос жойларда узунлиги 12 метр, эни 4 метр ва чуқурлиги камида 1 метр бўлган хандақлардан фойдаланилади. Намлик ҳар 15 кунда текширилиб, 70 фоиз атрофида сақланади. Тайёр компост ва мулча биринчи навбатда тегишли ҳудуднинг очиқ тупроқ майдонларини қоплаш ва парваришлашга йўналтирилади.

Бундан ташқари, аҳолининг яшил боғларни яратиш бўйича талаб ва таклифларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2027 йил 1 январдан “Яшил лот” тизими жорий қилинади. Бунда мавжуд ер участкалари жисмоний ва юридик шахсларга яшил боғ барпо этиш учун берилади. Бунда ажратилган ҳудуд мулк сифатида ўтказилмайди, қурилиш қилиш ва бошқа фаолият турлари тақиқланади.

Қолаверса, 2028 йил 1 сентябрга қадар иқлим шароитидан келиб чиқиб, республиканинг ҳар бир ҳудудининг иқлимий-географик зоналарига мос дарахт ва бута кўчатларини етиштиришга ихтисослашган 1 тадан “ин-витро” лабораториялари ташкил этилади. Лабораторияларда сувсизлик, шўрланиш, юқори ҳарорат, касалликларга чидамли ва қум-чанг кўчишининг олдини олишга хизмат қилувчи дарахт ва бута турлари кўпайтирилади. Барча ҳудудларда замонавий кўчатхона ва кўчат савдоси бўйича ташриф марказлари ташкил этилади.

Фармонга кўра, тажриба тариқасида “Yashil AI” ассистенти модели ишга туширилади.

Модел ер бонитет бали, тупроқ тури, сув таъминоти, иқлим, сунъий йўлдош ва дала кузатувлари асосида кўкаламзорлаштириш, ўрмонлаштириш ҳамда яшил қопламалар учун мақбул майдонларни аниқлашга, ҳар бир ҳудудга мос дарахт ва бута турлари, кўчат сони, экиш схемаси ва муддати, суғориш ва парваришлаш бўйича тавсияларни шакллантиришга, сув танқислиги, кўчат қуриши, касаллик ва бошқа хавфларни харитада кўрсатиш, масъулларни огоҳлантириш ва таҳлилий ҳисобот тайёрлашга ҳамда маълумотларни ягона харитада янгилаб бориш, тезкор мониторинг, прогноз, жамоатчилик мурожаатлари ва натижаларни очиқ кузатишга хизмат қилади.

2026 йил 31 декабрга қадар маҳаллаларга кириш жойида яшил ҳудудларни барпо этиш афзалликлари, ҳудуднинг экологик кўрсаткичларини кўрсатиб турувчи баннерлар ва электрон таблолар ўрнатилади.

Фармонга кўра, Арнасой, Нукус, Қоракўл, Кармана, Муборак, Қизириқ ва Янгиариқ туманларида галофит ўсимликларини етиштириш бўйича илмий-тажриба участкаси ташкил этилади. Ҳар бир участкада тупроқ шўрланиши ва сув таъминотига мос турларни синаш, уруғ ҳамда кўчат етиштириш ва амалий тавсиялар тайёрланади.



ЖАМИЯТ
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)

2 МИЛЛИАРД ТОННА ХАВФ ВА ТАЛАБАЛИКДАН БОШЛАНАДИГАН ОДДИЙ ОДАТЛАР



Олий таълимда экологик масъулият ва чиқиндиларни камайтиришнинг тизимли омиллари

Бугунги кунда иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бутун дунё учун энг глобал муаммолардан бирига айланмоқда. Ҳавонинг ифлосланиши, сув ресурсларининг тақчиллиги, глобал ҳарорат кўтарилиши ва чиқиндилар ҳажмининг геометрик прогрессияда ортиши нафақат бугунги ҳаётимизга, балки келажак авлодлар истиқболига ҳам жиддий хавф соляпти. Шу сабабли экологик муаммоларни ҳал этишда фақатгина давлат идоралари ёки махсус ташкилотлар ҳаракатига суяниб қолмай, таълим муассасаларининг имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Айниқса, олий таълим муассасалари ёшларнинг экологик маданияти ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда бош бўғин бўлиши шарт.

Даҳшатли рақамлар ва миллий воқелик

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит дастури (UNEP) маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 2 миллиард тоннадан ортиқ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Агар амалдаги тенденция шу зайлда давом этса, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 3,8 миллиард тоннага етиши прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу масала кун тартибидаги долзарб мавзулардан биридир. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маълумотларига кўра, юртимизда ҳар куни тахминан 19-20 минг тонна чиқинди ҳосил бўлмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, 2024 йилда республика бўйича 14 миллион тонна чиқинди йиғилган бўлиб, афсуски, унинг бор-йўғи 5,2 фоизигина қайта ишланган. Ушбу кўрсаткич чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимини тубдан ривожлантириш билан бир қаторда, аҳолининг, хусусан, олийгоҳ талабаларининг экологик саводхонлигини оширишни тақозо этади.

Университетлар бу борада реал амалий ташаббусларни илгари суриши лозим. Олий таълим муассасалари ҳудудида қоғоз, пластик, шиша чиқиндилари учун алоҳида контейнерлар ўрнатиш, бир марталик пластик идишлардан воз кечиш ва рақамли таълим материалларини кенгайтириш орқали қоғоз сарфини кескин камайтириш мумкин.

«Яшил кампус» лойиҳаси: Тажриба ва ташаббус

Университет — шунчаки диплом ва назарий билим берадиган маскан эмас. У ёшларнинг дунёқараши, ҳаёт тарзи ва ижтимоий масъулиятини шакллантирадиган тирик муҳитдир. Шу сабабли экологик тарбияни фақатгина маъруза матнлари ёки йилда бир марта ўтказиладиган мажбурий ҳашарлар билан чеклаб бўлмайди. Талабаларни сув ва электр энергиясини тежаш, чиқиндиларни саралаш каби кундалик жараёнларга тизимли жалб этиш керак.

Бу борада олийгоҳларда «Яшил кампус» (Green Campus) лойиҳаларини жорий этиш юқори самара беради. Бу тушунча фақат ҳудудни кўкаламзорлаштиришни эмас, балки энергия тежамкорлигини ошириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва экологик транспортни рағбатлантиришни ҳам қамраб олади. Талабалар иштирокида «Пластиксиз бир кун», «Чиқиндини сарала», «Бир талаба — бир дарахт» каби ижтимоий акцияларнинг мунтазам ўтказилиши экологик одатларни шакллантиришга хизмат қилади.



Қувонарлиси, юртимизда ҳам бу йўналишда жиддий қадамлар ташланмоқда. 2023 йилда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети — «Green University» ташкил этилди. Шунингдек, яқин йилларда ҳудудларда экологик йўналишдаги махсус «яшил» техникумлар тармоғи йўлга қўйилиши режалаштирилгани ҳам давлатимизнинг соҳага бўлган юксак эътибори ифодасидир.

Келажак раҳбарларининг экологик онги

Экологик масъулиятни шакллантиришда энг муҳим жиҳат — ёшларни муаммони фақат муҳокама қилишга эмас, балки уни ҳал этишда шахсий иштирок этишга ўргатишдир. Бугунги талаба эртага иқтисодчи, менежер, муҳандис, тадбиркор ёки давлат арбоби бўлади. Уларнинг келажакда қабул қиладиган ҳар бир қарори атроф-муҳитга бевосита таъсир кўрсатади. Масалан, бўлажак иқтисодчи корхонада яшил иқтисодиёт тамойилларини жорий қилса, муҳандис энергия самарадор технологияларни лойиҳалаштиради. Демак, экологик маданият фақатгина экологларнинг эмас, барча касб эгаларининг базавий кўникмасига айланиши керак.

Шу боис, университетларда экологик мавзуларни турли фанлар билан интеграция қилиш лозим. Иқтисодиёт оламида — «яшил иқтисодиёт», туризмда — «барқарор туризм», менежментда — «экологик бошқарув» модулларининг ўқув дастурига киритилиши талабаларнинг тафаккурини кенгайтиради.

Чиқиндиларни камайтириш глобал лойиҳалардан эмас, оддий кундалик одатлардан бошланади. Қоғозни исроф қилмаслик, сувни тежаш, буюмларга иккинчи ҳаёт бериш каби кичик ҳаракатлар вақт ўтиши билан улкан натижаларга айланади. Муҳими, бу амаллар бир марталик тадбир эмас, балки доимий ҳаёт тарзи бўлиши шарт. Университетлар бу борада тарғиботчи эмас, шахсий намуна бўлиши давр талабидир.

Дилдора НУТФИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Хорижий тилларни ўқитиш маркази катта ўқитувчиси

ЖАМИЯТ
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)





ИККИ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИНИНГ НУРЛИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Давлатлараро муносабатларнинг ҳақиқий қудрати фақат сиёсий келишувлар ёхуд иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчанмайди. Яъниким, халқлар бир-бирини қанчалик яхши англаса, бир-бирининг тарихи, маданияти ва қадриятларига қанчалик ҳурмат билан ёндашса, муносабатлар шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади, албатта. Шу маънода, Ўзбекистон ва Сербия мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликлар янги мазмун билан бойиб бораётгани диққатга лойиқ.

Маълумки, ўтган йилда икки давлат ўртасидаги дўстликнинг янги босқичи учун муҳим қадамлар ташланди. Хусусан, 28 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Республикаси Президенти Александар Вучичнинг музокаралари бўлиб ўтди. Унинг якунида имзоланган ҳужжатлар қаторида таълим, фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг мавжудлиги маданий-гуманитар йўналишга берилаётган эътиборнинг муҳим кўриниши, десак, муболаға эмас.

Бугун биз учун асосий масала — мавжуд ҳуқуқий асосларни амалий, мазмунли ва халқларга сезиладиган маданий лойиҳаларга айлантиришдан иборат. Эътиборлиси, бу йўлдаги ишлар аллақачон бошланиб бўлган.

Мулоқотдан амалий ҳамкорлик сари

Миллий маданиятимизнинг халқаро майдондаги ўрни ҳақида гап кетар экан, биз фақат тарихий обидалар ёки миллий санъат намуналарини намойиш этиш билан чекланиб қолмаслигимиз даркор. Ахир маданият — маънавий жараён, унда тарих ҳам, ижод ҳам, янги авлоднинг қарашлари ҳам мужассамлашган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Сербия билан маданий алоқаларни ҳам бир марталик тадбирлар эмас, балки узлуксиз ижодий ҳамкорлик тизими сифатида ривожлантиришни муҳим деб ўйлайман.

Ўзбекистоннинг мусиқа ва рақс санъати, театр ва киноси, тасвирий ва амалий санъати, адабиёти, ҳунармандчилиги Сербия жамоатчилигига мамлакатимизнинг бой маданий қиёфасини танитиш учун катта имконият беради. Ўз навбатида, серб маданияти ва санъатини Ўзбекистонда кенгроқ тарғиб қилиш икки халқ ўртасидаги маданий мулоқотни бир томонлама эмас, ўзаро манфаатли жараёнга айлантиради. Бу борада маданият кунлари, кўргазмалар, концертлар, кино намойишлари, театр гастроллари, ижодий учрашувлар ва маҳорат дарслари энг самарали воситалардан бири бўла олади.

“Ал-Хоразмийдан Теслагача”

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Сербия маданий ҳамкорлигида кинематографиянинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, 2026 йил 3 апрель куни Ўзбекистон Маданият вазирлигида Сербия Республикаси Маданият вазирлиги Давлат котиби Лав Пайкич билан ўтказилган учрашувда икки мамлакат ҳамкорлигида суратга олиниши режалаштирилаётган “Ал-Хоразмийдан Теслагача” қўшма фильм лойиҳасининг ташкилий масалалари муҳокама қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Яхшилаб эътибор қаратсак, лойиҳада катта рамзий маъно бор. Бир томонда — жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад ал-Хоразмий, иккинчи томонда эса электротехника ва ихтирочилик тарихида алоҳида ўрин тутган Никола Тесла. Уларни бир бадиий ғоя атрофида бирлаштириш икки халқнинг нафақат маданияти, балки илм-фан, тафаккур ва цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссасини кўрсатиш учун ҳам ўзига хос имкониятдир. Замонавий кинонинг кучи ҳам шунда — у тарихий хотирани янги авлодга ва кенг халқаро аудиторияга таъсирчан тилда етказа олади.

Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида ўзбек ва серб халқларининг қалби бир-бирига янада яқинлашишига ишонамиз.

Маданият кунлари — шунчаки намойиш эмас, муҳим мулоқот майдонидир

Жорий йил Сербияда “Ўзбекистон маданияти кунлари”ни ўтказиш масаласининг муҳокама қилингани ҳам икки мамлакат маданий ҳамкорлигидаги муҳим йўналишлардан биридир.

Бундай тадбирни фақат концерт ёки кўргазма сифатида қабул қилиш тўғри эмас. Зеро, маданият кунлари — халқнинг ўзини танитиш, бошқа миллатни эшитиш ва англаш учун яратилган кенг мулоқот майдони саналади. Шу боис, Ўзбекистон маданиятини Сербияда намойиш этиш жараёнида миллий мусиқа ҳамда рақс, тасвирий ва амалий санъат, кино, адабиёт, ҳунармандчилик билан бир қаторда ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, илмий-амалий анжуманлар ҳамда адабий кечаларни уйғунлаштириш билан ҳам аҳамиятли.

Дарҳақиқат, маданий меросни асраш умумий масъулият. Ўзбекистон ва Сербиянинг маданий ҳамкорлигида тарихий-маданий мерос йўналиши ҳам алоҳида диққатга сазовор. Биламизки, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари тарихий шаҳарларимиз жаҳон цивилизацияси тараққиётида муҳим ўрин тутган. Сербия ҳам ўзининг тарихий шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари ва маданий мероси билан фахрланади. Шу боис, музейлар, архивлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва маданий мерос объектлари билан ишловчи ташкилотлар ўртасида тажриба алмашиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, реставрация, музейшунослик, архив материалларини ўрганиш, маданий меросни рақамлаштириш каби соҳалардаги ҳамкорликлар амалий натижалар бериши турган гап.

Таржима — икки адабиёт ўртасидаги мустаҳкам кўприк

Халқни халққа яқинлаштирадиган воситалардан яна бири — адабиётдир. Ўзбек адабиёти намуналарининг серб тилига, серб адабиёти асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши икки миллатнинг ички дунёси, тарихий хотираси ва маънавий қарашларини яқиндан англаш имконини беради.

Бу борада ёзувчи-шоирлар иштирокида адабий учрашувлар, таржимонлар семинарлари, адабий журналларда махсус рукнлар ташкил этиш, олий таълим ва илмий муассасалар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш муҳим вазифалар сирасига киради. Чунки таржима қилинган ҳар бир яхши асар — икки тил ўртасида эмас, икки халқ ўртасида қурилган кўприк мисолидир.

Тошкент ва Белград: шаҳарлардан халқ дипломатиясигача

Биламизки, ўтган йилнинг 28 октябрида бўлиб ўтган музокаралар якунида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Сербия президенти Александр Вучич Қўшма декларацияни имзолади. Бунда Тошкент ва Белград шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битим алоҳида аҳамиятга молик. Ьазкур ҳужжатнинг имзоланиши ҳам маданий алоқалар учун янги имкониятлар эшигини очади. Энди бу муносабатларни шаҳарлар даражасидаги амалий маданий алмашинувлар билан бойитиш мумкин.

Рассомлар, театр жамоалари, мусиқачилар, ёш ижодкорлар, музей ва кутубхона мутахассисларининг ўзаро ташрифлари маданий дипломатияни оддий одамларга янада яқинлаштиради. Зеро, халқ дипломатияси катта минбарлардан эмас, кўпинча инсонларнинг бевосита мулоқотидан бошланади.

Дўстликнинг энг таъсирчан тили

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги муносабатларда маданиятнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бу жараённинг асосий мақсади фақат миллий санъатимизни хорижда намойиш этиш эмас, балки ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, ижодкорларни бирлаштириш, тарихий ва маданий меросни биргаликда ўрганиш, янги авлод учун янги мулоқот майдонларини яратишлан иборат.

Юртимизнинг маданият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик сиёсатида ҳар бир мамлакат билан муносабатга унинг тарихий ва маданий хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашишимиз лозим. Сербия билан ҳамкорликда эса умумий инсоний қадриятлар, тарихга ҳурмат, илм-фан ва ижодга эътибор бизни бирлаштирадиган муҳим тамойиллар саналади.

Маданиятнинг энг катта ютуғи шундаки, у фақат чегараларни эмас, инсонларни ҳам яқинлаштиради. Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги маданий ҳамкорликни ана шу тамойил асосида ривожлантириш — бугунги кунимизнинг вазифаси, эртанги авлод олдидаги масъулиятли бурчдир.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЭРТАНГИ СУРАТИ: МУҲИМ ҚАРОРЛАР ВА ИНСОН ОМИЛИ

Қорақалпоғистон ҳақида ёзаётганимда хаёлимга аввал рақамлар эмас, одамлар келади. Эрталаб ишга отланган ота, боласини мактабга кузатаётган она, ўқишни тугатгач қаерда ишлашини ўйлаётган талаба, узоқ йўл босиб шифокорга борадиган бемор. Катта ва стратегик қарорларнинг асл қиймати, аввало, мана шу инсонларнинг кундалик ҳаётида билинади.

Мен шу заминда улғайганман. Бугун умумий тарих ва хотирани ўрганувчи тадқиқотчилик нигоҳи билан бир ҳақиқатни яхши англайман: юрт ҳақидаги энг таъсирли ҳикоя ўтмиш ва келажак бир-бири билан туташган нуқтада туғилади. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 18–19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистонга амалга оширган навбатдаги ташрифи мени айнан шу ҳақда чуқур мушоҳада юритишга ундади.

Оролбўйи ҳақида дунё матбуоти кўп ёзган. Кўпинча бу ҳикоянинг марказида қуриган денгиз, экологик йўқотишлар ва оғир ижтимоий синовлар туради. Албатта, буларни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Лекин бугунги Қорақалпоғистонни фақат унинг дарди ва ўтмишдаги фожиаси билан таништириш адолатдан бўлмайди. Бу ерда ўз келажагини муносиб кураётган инсонлар, ўқишга интилаётган ёшлар, изланаётган олимлар, янги ғоялар устида меҳнат қилаётган тадбиркорлар бор. Ҳудуднинг тўлиқ ва реал манзарасида уларнинг орзулари ҳамда юксак салоҳияти ҳам акс этиши шарт.

Ташриф давомида айнан шу салоҳиятни тўлиқ ишга солишга қаратилган улкан режалар эълон қилинди. Қораўзак туманида йирик шамол электр станциялари ва энергия сақлаш тизими ишга туширилди. Нукус шаҳрида тиббиёт ва жамоат транспортига оид муҳим объектлар фаолият бошлади. Бошқа стратегик лойиҳаларнинг қурилишига старт берилди. Буларнинг ҳар бири Қорақалпоғистоннинг янги имкониятлари ҳақида гапиришга тўла асос беради. Шу билан бирга, олим сифатида мен «ишга тушди», «қурилиши бошланди» ва «режалаштирилди» деган сўзлар орасидаги масофани жуда муҳим деб биламан. Ҳар қандай йирик лойиҳанинг ҳақиқий муваффақияти кейинчалик унинг қанчалик сифатли бажарилиши ва аҳолига келтирган аниқ фойдаси билан ўлчанади.



Масалан, шамол электр станцияси ҳақидаги хабарни эшитган ёш йигит ундан ўзи учун қандай имконият очилишини билишни истайди. У шу ерде муҳандис бўлиб ишлай оладими? Ушбу замонавий соҳага айнан қайси таълим муассасасида тайёрланади? Олис тумандаги мактаб ўқувчиси ҳам рақамли технологиялар сари йўл топа оладими? Мана шу саволлар йирик иқтисодий лойиҳанинг инсон ҳаётига қандай кириб боришини кўрсатувчи энг бош мезонлардир.

Шу боис, Нукус шаҳридаги 1-сонли техникум тажрибасини бошқа туманларга ҳам ёйиш, ёшларни ахборот технологиялари ва логистика касбларига ўқитиш бўйича белгиланган вазифалар мен учун айниқса аҳамиятлидир. Замонавий иқтисодиётга фақат бино ва ускуналар етмайди, уни бошқарадиган билимли инсонлар капитали керак. Таълимдаги ҳақиқий муваффақият эса энг фаол ёшларнинг ютуқлари билангина эмас, имкониятлардан узоқроқ яшаётган чекка ҳудуд ёшларининг ҳам унга эриша олиши билан баҳоланади.

Бердақ мероси ва маданий хотира мувозанати

Ташриф давомида эътиборимни тортган яна бир улуғвор масала — Бердақ меросига бўлган муносабат бўлди. Буюк шоир таваллудининг 200 йиллигини юксак савияда, муносиб нишонлаш, унинг асарларини чуқур ўрганиш, рақамлаштириш, асраб-авайлаш ва ёшлар онгига етказиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Тарихий хотира ва манбалар билан тўғридан-тўғри ишлайдиган тадқиқотчи сифатида буни миллий маънавиятимиз учун улкан имконият деб биламан.

Бердақни эъзозлаш — унинг номини фақат тантаналарда тилга олиш билан чекланмайди. Қўлёзмалар, эски нашрлар, архив ҳужжатлари ва шоир ҳақидаги огзаки хотиралар илмий аниқлик билан қайта йиғилиши зарур. Рақамлаштирилган мероснинг ҳар бир элементи қаердан олингани, кимга тегишли экани ва қандай сақлангани илмий таҳлил этилиши керак. Шундагина келажак авлод Бердақни фақат ёдланган қуруқ сатрлар орқали эмас, балки ишончли тарихий манбалар орқали танишни бошлайди. Менимча, Қорақалпоғистоннинг иқтисодий истиқболи билан унинг маданий хотираси доимо бирга, параллель равишда мустаҳкамланиши лозим.

Олим масъулияти: Самимийлик ва холислик

Президент ташриф чоғида олимлар ва жамоатчилик вакилларини бошланган барча лойиҳалар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатишга чақирди. Ушбу чақириқ мен каби ҳар бир зиёлига бевосита дахлдордир. Тадқиқотчининг ўз юртига бўлган меҳри фақат баландпарвоз сўзлар ёзишида кўринмайди. У бошланган ишни кузатиши, реал натижани текшириши, одамларнинг фикрини тинглаши ва зарур жойда илмий асосланган таклиф айта олиши керак. Самимий муносабат билан илмий холислик бир-бири билан уйғунлашгандагина жамиятда ҳақиқий ривожланиш бўлади.


Бугун Қорақалпоғистон учун очилаётган янги имкониятлар ҳақида гапиряпмиз. Эртага эса ўша лойиҳалар ҳақида Нукусдаги талаба, Қўнғиротдаги ишчи, Мўйноқдаги шифокор ёки Тахтакўпирдаги оддий оила нима дейишини эшитишимиз керак бўлади. Агар уларнинг жавобида вақт тежалаётгани, даромад ошайотгани, таълим ва тиббиёт сифатли яқинлашаётгани сезилса, демак, катта режалар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган бўлади.

Тарихчи тасвирга қараганда фақат кадрда нима борлигини эмас, унинг ортида қандай ҳаёт кечганини ҳам сўрайди. Мен бугунги Қорақалпоғистонга ҳам мана шу теран нигоҳ билан қарайман. Келажакда бу даврнинг суратлари кўрилганда, одамларда шундай хулоса туғилишини истайман: ўша йилларда улкан имкониятлар эълон қилинди, одамлар эса уларни юксак билим, ҳалол меҳнат ва юксак масъулият билан рўёбга чиқарди.

Президент ташрифи менга янги ижодий илҳом берди. Бу илҳомни олим сифатида аниқ амалий ишга айлантиришни ўз бурчим деб биламан: юртим меросини чуқурроқ ўрганиш, уни ишончли сақлаш, ёшларга етказиш ва бугун бошланган ўзгаришларнинг инсон ҳаётидаги натижасини холис кузатиш. Қорақалпоғистоннинг эртанги сурати айнан шундай заҳматли меҳнатлар билан яралади.

Бердақ бобомизнинг халқ учун хизмат қилиш ҳақидаги ўгитлари бугун ҳам ҳаётимизда жаранглаб турибди. Унинг мағзи мен учун жуда содда ва ойдин: юртга бўлган ҳақиқий муҳаббат — унинг одамлар ҳаётини яхшилашга қўшган реал ҳиссамизда кўринади.

Нурназар ПИРНАЗАРОВ,
тадқиқотчи олим



ЖАМИЯТ
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)

ХАТИРЧИДА РЕЙД ТАДБИРИ



Навоий вилоятининг Хатирчи туманида экологик рейд тадбирлари давомида 9 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Экополициянинг Хатирчи туман бўлими ходимлари томонидан сентябрь ойининг 20 кунлиги давомида туман ҳудудида навбатдаги рейд тадбирлари ўтказилди.

Тадбирлар давомида фуқаролар томонидан қум-шағал аралашмасини ноқонуний равишда қазиб олиш ва юклаш билан боғлиқ 9 та ҳолат аниқланиб, белгиланган тартибда тўхтатилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 70-моддаси 1-қисми асосида маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Ҳуқуқбузарларга жами 39 миллион 600 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўллаш белгиланди.

Шунингдек, табиий ресурслардан ноқонуний фойдаланиш оқибатида табиатга етказилган зарар миқдори 2 миллион 200 минг сўм этиб ҳисобланди.

Табиий ресурслардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш нафақат маъмурий жавобгарликка, балки атроф-муҳитга зарар етказилишига ҳам сабаб бўлади. Шу боис бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида экологик назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Ш. КАРОМОВ

МАЙДОНДА АШАДДИЙ РАҚИБ, ҲАЁТДА ЭСА ЧИНАКАМ ИНСОН



2019-йилнинг май ойи... Дунё футболи ларзага келди. "Порту" машғулотида Икер Касиляс кутилмаганда юрак хуружини (инфаркт) бошдан кечирди. Йиллар давомида "Реал Мадрид" дарвозасини мардона қўриқлаган, Испания билан барча совринларни ютган афсона бир лаҳзада ҳаёт ва мамот ёқасига келиб қолди.

Шифохонада ётган Икерга дунёнинг ҳар нуқтасидан далда хатлари, қўнғироқлар келиб тушди. Аммо битта қўнғироқ ва хабар бор эдики, буни Икернинг ўзи ҳам, мухлислар ҳам кутмаган эди.

"Ўша оғир кунларда менга биринчи бўлиб қўнғироқ қилган ва ҳол-аҳвол сўраганлардан бири — Лео Месси бўлди. Майдонда биз йиллар давомида ашаддий рақиб бўлганмиз, Эл-Классиколарда бир-биримизга қарши аёвсиз курашганмиз. Аммо у менинг соғлиғим ҳақида қайғуриб, шахсан ўзи алоқага чиқди ва катта маънавий ёрдам берди. Бу мен учун кутилмаган ва жуда қадрли бўлди" дейди Икер Касиляс.

Буларнинг барчаси Месси шунчаки буюк футболчи эмас, балки буюк қалб эгаси эканлигини яна бир бор исботлайди.

БЕПУЛ ТАЪЛИМ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

ёхуд «Маҳалла еттилиги»нинг ёшларга кўмаги

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг сифатли таълим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши ва жамиятда муносиб ўрин топиши учун кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Олий ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган эҳтиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган имтиёзлар тизими бунинг яққол исботидир. Хусусан, «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан талабаларнинг тўлов-контракт суммасини тўлаб бериш амалиёти минглаб оилаларга катта моддий ва маънавий таянч бўлмоқда.

Хўш, ушбу ижтимоий ёрдамдан кимлар, қайси тартибда ва қандай ҳажмда фойдалана олади?

«Ёшлар дафтари»га кимлар киритилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарорига мувофиқ, «Ёшлар дафтари»га доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган (31 ёшга тўлмаган) қуйидаги тоифадаги ёшлар киритилади:

- Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари;
- Оиласининг ўртача ойлик даромади ҳар бир аъзога ҳисоблаганда минимал истеъмол харажатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган ёшлар (бу тоифа асосан жарроҳлик амалиёти ва даволаниш харажатларини қоплаш учун йўналтирилади).

Имтиёздан кимлар фойдалана олади?

Контракт пулини қоплаб бериш тизимидан қуйидаги мезонларга мос келувчи ёшлар фойдаланиши мумкин:

- Профессионал таълим: «Касбий таълим жараёнларини бошқариш» ахборот тизимидан (P-Emis) фойдаланадиган ташкилотларнинг кундузги таълим шакли ўқувчилари;
- Олий таълим: Давлат ва нодавлат олийгоҳлари, Ўзбекистон ҳудудидаги хорижий университетлар ва уларнинг филиалларида бакалавриат ва магистратуранинг кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида ўқиётган, Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзолари.

Муҳим эслатма: Иккинчи ва ундан кейинги мутахассислик, масофавий, сиртқи, кечки таълим шаклларида, қўшма таълим дастурлари (double degree) бўйича ҳамда табақалаштирилган (супер-контракт) асосида ўқиётганларга ушбу имтиёз татбиқ этилмайди.

Тўлов миқдори ва ижтимоий шартнома мажбуриятлари

«Маҳалла еттилиги» томонидан ижобий қарор қабул қилинганда, контракт тўлови таълим ташкилотининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Ёрдам миқдори талаба тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 50 бараваридан кўп бўлмаган ҳажмда қопланади.

Бу шунчаки бепул бериладиган маблағ эмас. Субсидия ажратилиши муносабати билан «Маҳалла еттилиги» ва талаба ўртасида ижтимоий шартнома тузилади. Унга кўра, ёшлар ўз зиммасига қуйидаги муҳим мажбуриятларни олади:

- Юқори ўзлаштириш кўрсаткичи: Тегишли ўқув семестрида фанларни баҳолаш тизими бўйича камида «4» (яхши) баҳога ёпиш;
- Жамоатчилик фаоллиги: Маҳалла ва юрт равнақи учун хизмат қилувчи кўнгиллилар (волонтёрлик) лойиҳаларида фаол иштирок этиш;
- Китобхонлик маданияти: 6 ой давомида «Мутолаа» лойиҳаси доирасида ҳар ойда камида битта бадиий китоб ўқиш;
- Тил ўрганиш: 6 ой давомида «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси орқали хорижий тилларни ўзлаштириб, камида B1 даражасига (CEFR) эришиш.

Мурожаат қилиш тартиби қандай?

Ёшлар учун жараён максимал даражада соддалаштирилган ва рақамлаштирилган. Давлат хизматлари марказларига шахсан бориш ёки уйдан чиқмаган ҳолда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ҳамда Ёшлар ягона электрон платформаси орқали онлайн ариза топшириш мумкин.

Ариза рўйхатдан ўтгач, масъул ходим томонидан 10 дақиқа ичида аризачи яшайдиган маҳалладаги ёшлар етакчисига йўналтирилади. Мурожаат «Маҳалла еттилиги» томонидан ўрганилиб, ижобий хулоса берилгач, маблағ тўғридан-тўғри олийгоҳ ёки техникум ҳисобига ўтказилади.

Мухтасар айтганда, «Ёшлар дафтари» — эҳтиёжманд ёшлар учун шунчаки моддий ёрдам эмас, балки уларнинг ўз салоҳиятини намойиш этиши ва порлоқ келажак сари қадам ташлаши учун давлат томонидан берилган улкан имкониятдир. Гаров — билимда, марра эса юксак марраларни кўзлаган ёшларнинг ўз қўлида!

Жонибек РАСУЛОВ,
Навоий вилояти Нурота тумани
Ибн Сино МФЙ ёшлар етакчиси

ЖАМИЯТ
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)

ХИРОСИМА САБОҚЛАРИДАН «YASHIL» КЕЛИШУВГАЧА



Тинчлик ва хавфсизлик — ҳар қандай жамият тараққиёти ҳамда фаровонлигининг энг муҳим шартларидан биридир. Бироқ бу мақсадга эришиш йўлида инсоният олдида ҳамон жиддий синовлар турибди. Ядро қуроли инсоният яратган энг ҳалокатли қурол тури бўлиб, унинг мавжудлиги бутун сайёрамиз барқарорлигига доимий таҳдид солиб турибди. Айнан шу хавфнинг глобал миқёсини англаган халқаро ҳамжамият уни бартараф этиш йўлида қатъий қадамлар қўйишга киришди.

Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2013 йил 5 декабрдаги 68/32-сон резолюцияси билан 26 сентябрь – Ядро қуролини бутунлай йўқ қилиш халқаро куни сифатида эълон қилинди. Ушбу кундан кўзланган бош мақсад — ядро қуролининг инсоният ва атроф-муҳитга солаётган хавфини жамоатчиликка етказиш, ядровий қуролсизланиш масаласида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда дунёни ядровий таҳдидлардан холи қилишдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ядро қуролсизланишини халқаро хавфсизлик соҳасидаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб келади. Ташкилотнинг 1946 йилдаги илк резолюциясидаёқ атом энергиясини назорат қилиш ва оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш масалалари кун тартибига киритилган эди. Кейинги ўн йилликларда ушбу масала глобал дипломатиянинг энг муҳим йўналишига айланди.

Аянчли рақамлар ва ҳуқуқий пойдевор

Ядро қуролларининг қўлланилиши қисқа вақт ичида жуда катта миқёсдаги инсоний талафотларга, инфратузилманинг вайрон бўлишига ва узоқ муддатли экологик оқибатларга олиб келади. Бунинг яққол мисоли сифатида 1945 йилда Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташланган иккита атом бомбасини келтириш мумкин — улар натижасида тахминан 213 минг киши ҳалок бўлди. Бугунги кунга келиб эса, БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳамон тахминан 12 187 дона ядро қуроли сақланиб қолмоқда. Бу рақам инсоният хавфсизлиги олдида турган хавфнинг ҳали ҳам нақадар долзарблигини кўрсатади.

Ядро қуролларидан фойдаланиш нафақат бевосита зарарланган ҳудуддаги инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, балки келажак авлодларнинг фаровонлигига ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатади. Радиацион асоратлар ва узоқ муддатли экологик инқирозлар бундай қуролларнинг хавфини фақатгина ҳарбий масала билан чеклаб бўлмаслигини исботлайди.

Шу сабабли халқаро ҳамжамият йиллар давомида ядро қуролсизланиши соҳасида изчил ҳуқуқий асос яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Ушбу тизимнинг пойдеворини ядро қуролларини тарқатмаслик сиёсати ташкил этади. Мазкур сиёсатнинг амалий ифодаси сифатида Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро шартнома (NPT) халқаро хавфсизлик тизимининг асосий ҳуқуқий механизми ҳисобланади. Шартнома ядровий технологиялардан тинч мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи билан унинг тарқалишининг олдини олиш вазифасини ўзаро уйғунлаштиради. Ўзбекистон Республикаси ушбу шартномага 1992 йилда қўшилган бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқда ядро қуролсизланишини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим ҳужжат — Ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги халқаро шартнома (TPNW) ҳисобланади. 2017 йил 7 июлда қабул қилиниб, 2021 йил 22 январда кучга кирган ушбу шартнома сўнгги 20 йилдан ортиқ вақт ичида соҳадаги биринчи кўп томонлама, юридик мажбурий ҳужжат бўлди. У ядро қуролини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, эгаллаш, сақлаш ва қўллаш билан таҳдид қилиш каби ҳаракатларни қатъиян тақиқлайди.

МАГАТЭ назорати ва Ўзбекистоннинг янги «Йўл харитаси»

Ҳуқуқий тақиқнинг ўзи етарли эмас, унинг амалда бажарилишини назорат қилувчи мустақил халқаро механизм зарур. Айнан шу вазифани 1957 йилда ташкил этилган Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ/IAEA) бажаради. Агентликнинг кафолатлар (safeguards) тизими ядровий материал ва технологияларнинг ҳарбий мақсадларга йўналтирилмаслигини техник жиҳатдан текширади.

Ўзбекистон 1994 йилдан буён МАГАТЭ аъзоси бўлиб, шу давр мобайнида агентлик билан 40 дан ортиқ қўшма лойиҳани муваффақиятли амалга оширди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ва МАГАТЭ Бош директори Рафаэль Гросси ўртасида бўлиб ўтган учрашув натижасида тинч атом соҳасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма «Йўл харитаси» қабул қилинган эди. Ушбу изчил келишувларнинг мантиқий давоми сифатида, Ўзбекистон ядровий хавфсизлик соҳасидаги бир қатор муҳим халқаро конвенцияларга расман қўшилди.

Минтақавий барқарорлик намунаси

Ушбу халқаро ҳуқуқий механизмларнинг энг йирик амалий натижаларидан бири Марказий Осиё давлатлари тажрибасида яққол намоён бўлади. Минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ғояси илк бор 1993 йил сентябрь ойида Ўзбекистон томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган эди. Орадан 13 йил ўтиб, 2006 йил 8 сентябрда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Семипалатинскда тегишли шартномани имзоладилар.

Марказий Осиё — Шимолий ярим шарда тўлиқ жойлашган ва бевосита ядро қуролига эга бўлган икки йирик давлат (Россия ва Хитой) билан чегарадош ягона ядросиз ҳудуддир. Ўтмишда ядровий синовларнинг оғир экологик ва инсоний фожиаларини бошидан кечирган ушбу минтақанинг глобал ядро қуролсизланиши марказига айланиши рамзий ва амалий жиҳатдан юксак аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, ядровий технологиялар фақат ҳарбий соҳа билан боғлиқ эмас. Улар бугун энергетика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва илм-фанда кенг қўлланилмоқда. Касалликларни эрта ташхислаш, саратонни даволаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда тинч атомнинг ўрни беқиёс. Халқаро ҳамжамият олдида турган энг муҳим вазифа — ядровий технологияларнинг ушбу фойдали имкониятларини сақлаб қолган ҳолда, уларнинг ҳарбий мақсадларда тарқалишига мутлақо йўл қўймасликдир.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ўзининг 26 сентябрь – Ядро қуролини бутунлай йўқ қилиш халқаро куни муносабати билан йўллаган глобал мурожаатида таъкидлаганидек: «Ядро қуроллари хавфсизлик кафолати эмас, балки оммавий вайронкорлик ва глобал ҳалокат манбаидир. Дунё мамлакатлари геосиёсий келишмовчиликларни бир четга суриб, қуролсизланиш йўлидаги мажбуриятларини қайта кўриб чиқишлари лозим. Зеро, инсониятни ядровий таҳдиддан қутқаришнинг ягона йўли — ушбу ҳалокатли қуролларни ер юзидан бутунлай супуриб ташлашдир».

Сухроб БОЗОРОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бош мутахассиси

ЖАМИЯТ
Истеъмолчи минбари
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)



ҲАҚҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИГАН АБОНЕНТ ВА ЯШИРИН ТУЗОҚЛАР

Бугунги кунимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган мобил алоқа воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур эта олмаяпмиз. Ўз навбатида, ҳар онимизда биз билан бирга бўлган шу митти овунчоғимизни ҳар ойда бир маротаба «озиқлантириб» туришимиз лозим. Йўқса у бизга алоқа дунёсининг «сим-сим» эшикларини очмайди. Яъни ҳар биримиз мобил телефонларимизга ойлик тўлов қиламиз ва шу орқали кўлимиздан тушмайдиган темир қурилманинг барча имкониятларидан фойдаланишга ҳақли бўламиз.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда мобил алоқа воситаларидан фойдаланаётганлар сони деярли 37 миллионга яқинлашди. Шундан Сирдарё вилояти кесимида, расмий статистикага кўра, 700-800 минг атрофидаги аҳоли ушбу қурилмалардан фойдаланади — бу вилоят аҳолисининг 99,2 фоизи демакдир. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, мобил алоқа сув ва ҳаводек ҳар бир лаҳзамизнинг унутилмас қисмига айланиб улгурган. Бироқ бу ҳолат бир тарафдан қувонтирса, иккинчи томондан кишини жиддий мулоҳазага чорлайди. Хўш, бизнинг алоқа воситаларидан фойдаланиш маданиятимиз, энг муҳими, ҳуқуқий саводхонлигимиз қай даражада?

Хизмат бор, сифат-чи?

Ҳозирги вақтда юртимизда ўз фаолиятини олиб бораётган мобил алоқа операторлари талайгина. Расмий ҳисоботларга кўра, 2026 йил февраль ҳолати бўйича «Ucell» компаниясининг ўзи мамлакатимиз аҳолисининг 12 миллионга яқин қисмига хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, «Mobi.uz» 8 миллиондан ортиқ, «Uzmobile» 9,2 миллиондан зиёд, «Beeline» 7,7 миллион ҳамда «Perfectum» компанияси 300 мингдан ортиқ фаол абонентга эга. Бу кўрсаткичлар халқимизнинг дунё билан ҳамнафас бораётганидан дарак беради.

Бироқ хизмат бор жойда сифат ҳам юқори ўринда туриши керак эмасми? Бу масалага бежиз урғу бермаяпман. Чунки бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, баъзан зараримизга ишлайдиган «ўзбекчилик» деган феълимиз бор: бўлаётган ноҳақликка кўр-кўрона кўзюмамиз ёхуд лоқайдлик қиламиз. Ўз ҳуқуқларимизни талаб қилиб баралла айтишга истиҳола қиламиз. Бу эса миллионлаб фойдаланувчилар ҳисобидан миллиардларни айлантираётган каттакон компаниялар учун жуда қўл келмоқда.

Ўзим анча йиллар «Ucell» компанияси хизматидан фойдаланиб келганман. Аввал бошда чўнтакбоплиги ва турли бонуслари билан ўзига жалб қилган ушбу алоқа операторининг ҳамма жойда ҳам алоқа сифатини қониқарли деб бўлмайди. Тўғри, чекка ҳудудларга антенналар ўрнатиляпти, аммо бу етарли эмас. Иш ёки бошқа масала билан бирор чеккароқ жойга борсангиз, алоқа бутунлай узилиб қолади. Бу фақат бир компанияга эмас, қолган барча алоқа операторларига ҳам тегишли. Халқдан вақти келганда ҳаққини бир тийинигача қолдирмай ундириб олаётган компаниялар шунга яраша сифатли хизматни ҳам «боплаб» қўйиши мажбурий шартдир.

«Биринчи куни бепул» тузоғи

Яна бир оғриқли нуқта — ҳар куни телефон экранига тинимсиз келадиган ҳар хил чалғитувчи СМС-хабарлар. «Унга обуна бўлинг, бунга уланинг, биринчи куни бепул, иккинчи кундан бошлаб кунлик фалон сўм». Бу — соф чалғитувчи маркетинг. Биз-ку уланмасмиз, аммо халқимиз орасида содда одамлар, ёши кекса отахон ва онахонлар кўп. Улар билиб-билмай тугмани босиб, обуналарга уланиб қолишади. Сўнг эса «болам, негадир телефонимда ўз-ўзидан пул камайиб кетяпти», деб ҳайрон бўлишади. Мана, ҳуқуқий саводхонлик ва истеъмолчи ҳимояси қай аҳволда!

Яқинда ўз бошимдан ўтган бир воқеа эса ортиқча ваҳима эмаслигини исботлади. «Uzmobile»дан телефонимга хабар келди: «Эндиликда абонент тўлови 45 минг сўмдан 52 минг сўмга ўзгарди. Ва бунинг эвазига сизга бериладиган ойлик дақиқалар сони 500 дан 1000 дақиқага кўпайди». Тўловнинг 7000 сўмга ошганига эмас, мулоқот учун имконият кенгайганига хурсанд бўлдим. Бироқ маълум муддат ўтгач, эски лимит — 500 дақиқани гаплашиб бўлишим билан ҳисобимда маблағ етарли эмаслиги ҳақида хабар келди ва алоқа узилди. Қолган 500 дақиқа қани?

Шошиб компания оператори билан боғландим. Берилган жавобдан ёқамни ушладим: қўшиб берилган ўша беш юз дақиқа фақатгина интернет ва Wi-Fi тизими ёниб тургандагина (VoLTE тизими назарда тутиляпти) амал қилар экан! «Бу нимаси? Демак, интернет ишлатмайдиган кексалар ёки Wi-Fi бўлмаган ҳудуддагилар бу имкониятдан фойдалана олмайдими?» деган саволимга оператор жим қолди. Сўнг бу компания маркетинги томонидан ўйлаб топилган усул эканини айтди. Мен эса операторга қатъий қилиб: «Сизларда бу маркетинг ҳисобланса, халқ тилида куппа-кундузи одамларни чув тушириш дейилади!» — дедим. Оператор айтгандек интернетни ёқиб қўйиб гаплашмоқчи бўлсам ҳам имкони бўлмади, барибир «маблағ етарли эмас» деяверди.

Мамлакатимизнинг энг етакчи ва давлат миқёсидаги йирик тармоқларидан бири ҳисобланган «Ўзбектелеком» («Uzmobile») брендининг ушбу «сохта маркетинги»дан ҳафсалам пир бўлди. Хизмат қабул қилувчи сифатида ўзимни алдангандек ҳис қилдим.

Қачонгача жим турамиз?

Албатта, бу ҳолатга тушган ёлғиз мен эмас. Миллионлаб абонентлар ҳар куни мана шундай кўринмас тузоқларга тушмоқда. Демак, бу ерда битта жиддий хулоса қилиш керак: биз ўз ҳуқуқларимизни билмаяпмиз, ёки билсак ҳам лоқайдлик қилиб кўз юмяпмиз. Агар биз сукут сақлашда давом этсак, хизмат кўрсатувчиларнинг бизга бўлган муносабати ҳеч қачон ўзгармайди. Биз пулимизни тўлаяпмизми, демак, сифатли ва шаффоф хизматни қатъий талаб қилишга ҳақлимиз! Қачонки жамоатчилик бўлиб талаб қилар эканмиз, шундагина ҳақ-ҳуқуқларимиз жойига қайтади. Зеро, донишманд халқимиз айтганидек: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар».

Мехринисо ЯКУБОВА,
журналист

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-0910
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.


2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЖАМИЯТ
2026 йил 30 сентябрь № 38-39 (1005)







КАСБ ВА ТИЛ — ЗАМОНАВИЙ ЁШНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Инсон ҳаётида шундай қарорлар борки, уларнинг аҳамияти йиллар ўтган сари янада яққол намоён бўлади. Мактабни тамомлаган ёшнинг қайси йўлдан бориши, қандай касбни эгаллаши, ўзини меҳнат бозорида қандай кўриши ана шундай муҳим танловлар сирасига киради.

Бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Янги технологиялар, янги касблар, янги меҳнат муносабатлари пайдо бўлмоқда. Бундай шароитда ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш фақат назарий билим бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Ёш инсон ўқиганини амалда қўллай олса, қўлида бирор касб-ҳунари бўлса, хорижий тилни билса, унинг келажакка қадами ҳам ишончли бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятида бўлиб ўтган йиғилишида ёшларни мактабни битиргач, бирор касб ёки тилни пухта эгалламасдан қолдириш келажакда хато бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқатга ишора қилади.

Бу фикрни Ургут туманидаги касбий таълим тизими мисолида ҳам кўриш мумкин.

762 та келажак тақдири

Техникумда айни пайтда 762 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар бу ерда фақат назарий билим билан қуролланибгина қолмай, танлаган касб ва ҳунарларининг сир-асрорларини ҳам пухта эгаллашмоқда. Чунки бугунги таълимнинг асосий мезони — «қанча маълумот билади?» деган савол билан чекланиб қолмаяпти. Энди «олган билимини амалда қўллай оладими?», «муайян касбни мустақил бажара оладими?», «меҳнат бозори талабига жавоб бера оладими?» деган саволлар ҳам муҳим. Шу нуқтаи назардан техникумда йўлга қўйилган дуал таълим тизими алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун техникум томонидан тумандаги 21 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. 3 та йўналишда дуал таълим ташкил этилган. Бу эса ёшларнинг таълим муассасасида олган назарий билимларини бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида мустаҳкамлашига имконият яратмоқда.

Синфхонадан корхонагача бўлган йўл

Дуал таълимнинг энг муҳим жиҳати ҳам шунда — ёш касбни фақат китобдан ўрганмайди. У иш жараёнини кўради, устоздан ўрганади, ўз қўли билан бажаради, хатосини англайди ва яна қайта ҳаракат қилади. Бора-бора кеча назарияда ўрганган тушунчаси бугун унинг амалий кўникмасига айланади.

Ургут тумани «Савдо комплекси», «Samdunum» тикувчилик корхонаси каби корхоналарда дуал таълимнинг йўлга қўйилгани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бу корхоналар ёшлар учун оддий амалиёт ўтайдиган жой эмас. Улар касб сирларини ўрганиш, меҳнат интизомига кўникиш, замонавий иш жараёнини ўзлаштириш ва энг муҳими, ўз қобилиятини синаб кўриш мактабига айланмоқда.

Зеро, ҳақиқий касб устахонада, цехда, корхонада, амалиёт жараёнида сайқал топади.

Шаҳнозанинг орзуси

«Samdunum» тикувчилик корхонасида дуал таълим асосида касб ўрганаётган ёшлар орасида Шаҳноза Абдусамиева ҳам бор. Унинг қўлида мато, хаёлида эса янги либослар тасвири. Дизайнерлик — шунчаки кийим тикиш эмас. Бу инсоннинг диди, тасаввури, ижодкорлиги ва меҳнатини бир нуқтада бирлаштирадиган санъат.

Шаҳноза корхонадаги амалий машғулотлар жараёнида ўзининг дизайнерлик маҳоратини намоён этмоқда. Устозлардан касб сирларини ўрганар экан, назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштирмоқда.

Кеча у китобда ўқиганини бугун мато устида синаб кўради. Бугунги кичик тажриба эса эртанги катта маҳоратининг пойдевори бўлади. Шаҳноза сингари ёшларнинг интилишида дуал таълимнинг моҳияти яққол кўринади. Улар касбни «қачондир ишлайман» деб эмас, «бугундан ўрганаман, бугундан қиламан» деган тамойил асосида эгалламоқда. Бу эса ёшнинг ўз кучига бўлган ишончини оширади.

Шаҳноза Абдусамиеванинг дизайнерлик сари қўяётган қадамлари ҳам ана шу ҳақиқатнинг оддий, аммо таъсирчан ифодасидир. Унинг қўлидаги мато ҳали катта санъат асари бўлмаслиги мумкин. Аммо унда келажак дизайнернинг орзуси, меҳнати ва интилиши бор. Зеро, катта натижалар доимо кичик қадамлардан бошланади.

Нима муҳим?

Бугун бирор касбни эгаллаш жуда муҳим. Аммо замонавий дунёда касбнинг ўзи билан чекланиб қолиш ҳам етарли эмас. Тил билган мутахассиснинг имконияти кенг. У хорижий тажрибаларни ўрганади, янги технологиялар билан танишади, халқаро меҳнат бозорига чиқиш имкониятига эга бўлади.

Тикувчи-дизайнер хорижий брендлар тажрибасини ўрганиши, IT мутахассиси халқаро лойиҳаларда иштирок этиши, муҳандис техник ҳужжатларни асл манбасидан ўқиши, туризм соҳасидаги мутахассис эса дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар билан эркин мулоқот қилиши мумкин.

Шунинг учун бугун ёшларга «ё касб, ё тил» эмас, балки «касб ҳам, тил ҳам» деган қарашни сингдириш муҳим.

Ҳаёт мактаби

Техникумдаги 762 нафар ўқувчининг ҳар бири — алоҳида тақдир, алоҳида орзу ва алоҳида келажак.

Кимдир эртага моҳир тикувчи бўлади. Кимдир дизайнерлик соҳасида ўз ўрнини топади. Яна кимдир савдо, хизмат кўрсатиш ёки бошқа замонавий касб эгаси сифатида меҳнат қилади.

Муҳими, улар бугунданоқ ҳаётнинг ўзига кириб боришмоқда.

21 та корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани, учта йўналишда дуал таълим ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Чунки корхонага қандай мутахассис кераклигини энг яхши биладиганлар — шу соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг ўзидир.

Шу маънода, техникум ва корхона ўртасидаги ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлса, тайёрланаётган кадрнинг амалий салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бугунги ўқувчи — эртанги мутахассис

Ҳар бир ёшнинг қўлида касб бўлиши — унинг келажакдаги мустақиллиги учун муҳим омил. Касб инсонга нафақат даромад, балки ўз меҳнати билан жамиятга фойда келтириш, ўз ўрнини топиш, ўз қобилиятини намоён этиш имконини ҳам беради. Шунинг учун мактабни битирган ёшнинг олдида фақат бир йўл бор, деб қараш тўғри эмас. Олий таълим билан бир қаторда касбий таълим, техникумда ўқиш, дуал таълим асосида мутахассислик эгаллаш ҳам замонавий ҳаётнинг муносиб йўлларидан биридир. Энг муҳими, ёш вақтни бой бермаслиги керак. Бугун ўрганилган бир касб — эртага оилага таянч, ўрганилган бир тил — эртага дунёга очиладиган эшик бўлиши мумкин. Бугун корхонада орттирилган бир амалий кўникма — эртага иш берувчининг энг муҳим талаби бўлиши мумкин.

Бугун техникумда билим олаётган, корхонада касб сирларини ўрганаётган 762 нафар ёшнинг ҳар бири эртанги куннинг малакали мутахассиси бўлиш имкониятига эга.

Бу имкониятдан унумли фойдаланиш эса, аввало, ёшнинг ўзига боғлиқ.

Фаррух САТТОРОВ,
Ургут туман 4-сон техникуми директори